



## 11-12 ЁШЛИ ФУТБОЛЧИЛАРНИ МАХСУС ТАЙЁРГАРЛИК ВА МУСОБАҚА ДАВРИДАГИ ТЕХНИК-ТАКТИК ҲАРАКАТЛАРИНИ ОШИРИШНИНГ САМАРАЛИ УСУЛЛАРИ

**Хабибуллаев Самандар Хабибуллаевич**

Чирчиқ давлат педагогика университети

[s.xabibullayev@cspi.uz](mailto:s.xabibullayev@cspi.uz)

**Аннотация:** Ушбу илмий мақолада 11-12 ёшли футболчиларни махсус тайёргарлик ва мусобақа даврида ўқув-машғулотларни тўғри режалаштириш орқали, техник-тактик тайёргарлик кўрсаткичларни самарасини яхшилашга қаратилган тадқиқот ишлари ташкил этилган ва ўtkазилган. 11-12 ёшли футболчиларнинг махсус тайёргарлик ва мусобақа даврида техник-тактик тайёргарлик кўрсаткичлари бўйича махсус назорат тестлари олинган ва футболчиларнинг техник-тактик тайёргарлик кўрсаткичларининг ўсиши кузатилган.

**Калит сўзлар:** Назорат тестлар комплекси, професионал, оммавий, жисмоний тайёргарлик, умумий ва махсус жисмоний тайёрлов, мусобоқа ва тайёргарлик даври.

### КИРИШ

**Долзарблиги.** Професионал ва оммавий футболни келгусида ривожлантириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор муҳим Қарорлар эълон қилинган, 2018 йил 16 мартағи ПҚ-3610-сонли “Футболни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 2019 йил 4 декабрдаги ПФ-5887-сонли “Ўзбекистонда футболни ривожлантириш мутлақо янги босқичга олиб чиқиши чора-тадбирлари тўғрисида” Фармони, 2020 йил 24 январдаги ПФ-5924 сонли “Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2023 йил 7 апрелдаги Оммавий ва професионал футболни ҳар томонлама ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида Қарори, ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу илмий мақолада муайян даражада хизмат қиласи.

**Тадқиқотнинг мақсади:** 11-12 ёшли футболчиларнинг махсус тайёргарлик ва мусобақа давридаги техник-тактик ҳаракатларини тўғри режалаштириш орқали, ёш футболчиларнинг мусобақа фаолиятини самарадорлигини ошириш.

### Тадқиқотнинг вазифалари:

1. 11-12 ёшли футболчиларнинг махсус тайёргарлик ва мусобақа даврида техник-тактик тайёргарлигини режалаштириш муаммоси юзасидан илмий-услубий адабиёрларни ўрганиш ва таҳлил қилиш.



2. 11-12 ёшли футболчиларнинг махсус тайёргарлик ва мусобақа даврида техник-тактик тайёргарлик кўрсаткичларини махсус назорат тестлари орқали аниқлаш.

**Тадқиқотнинг ташкил этилиши.** Тошкент вилояти “Чирчиқ спорт мактаби” жамоаси футболчиларининг махсус тайёргарлик ва мусобақа даврида техник-тактик тайёргарлик машғулотлари тўғри режалаштирилганлигини баҳолаш мақсадида, 2023 йил (март-май) ойларида машғулот жараёнида педагогик кузатувлар ўтказилди. Шу давр билан бир вақтда машғулот юкламалари назорати амалга оширилди. Ўтказилган кузатувлар натижалари жамоа мураббийи билан биргаликда таҳлил қилинди.

Футболчилар тестлар комплекси бўйича тест топширдилар, ҳамда даврларда ўтказилган ўйинларни педагогик кузатув натижалари ҳам ҳисобга олинди [2;4].

Тошкент вилояти “Чирчиқ спорт мактаби” 11-12 ёшли футболчиларининг махсус тайёргарлик ва мусобақа даврида техник-тактик тайёргарлик машғулотлари тўғри режалаштирилганлигини баҳолаш мақсадида, 2023 йил (март- май) ойларида мусобақа ва машғулот жараёнида педагогик кузатувлар ўтказилди.

Чирчиқ шаҳаридаги спорт мактабнинг 11-12 ёшли жамоа футболчиларининг махсус тайёргарлик ва мусобақа даврида 2023 йил март, май ойларида бўлиб, машғулотлар ҳафтасига 3 марта 90 минутдан давом этди. Биз 11-12 ёшли футболчиларнинг техник-тактик тайёргарликларини назорат қилишда қўйидаги тестлардан фойдаландик.

### **11-12 ёшли футболчиларни техник-тактик тайёргарлигини назорат қилишда қўйидаги тестлардан фойдаландик;**

1. Тўпни узоққа йўллаш (тепиш, метр);
2. Тўпни қисқа узатиш (30 сония ичида);
3. Тўпни оёқда ўйнатиш, яъни жонглёр қилиш;

Назорат синовларида 15 та 11-12 ёшли футболчилар иштирок этди. Уларни тест натижаларини кўриб чиқамиз: Тест синовлари бўйича олинган натижалар 1-жадвалда кўрсатилган. Бу натижалар махсус тайёргарлик ва мусобақа даврида олинган [1;3].

### **11-12 ёшли футболчиларининг техник тайёргарлик кўрсаткичлари 1-жадвал.**

№	Назорат тестлари	Махсус тайёровлар (n=15)	Мусобақа даври (май) (n=15)	Яхшиланиш аткичлари (%)
1	Тўпни узоққа йўллаш (тепиш, м.);	24	26	2 м - 8,3 %
2	Тўпни қисқа узатиш (30 сония а.2-2,5 метр);	16	18	2 м - 12,5%
3	Тўпни оёқда ўйнатиш, яъни	10	12	2 м- 20%



	лёр қилиш (марта);			
X				14 %

1-жадвалдан кўриниб турибдики, футболчиларни биринчи маҳсус тайёрлов босқичида тўпни узоққа йўллаш тепиш умумжамоа ҳисобида ўртача 24 м.га тенг бўлган. Мусобақа даврида эса бу кўрсаткич 26 м.ни ташкил қилди. Тўпни қисқа узатиш 30 сония ичида умумжамоа ҳисобида ўртача 16 м.га тенг бўлган. Мусобақа даврида эса бу кўрсаткич 18 м.ни ташкил қилди. Тўпни оёқда ўйнатиш, яъни жонглёр қилиш умумжамоа ҳисобида ўртача 10 мартаға тенг бўлган. Мусобақа даврида эса бу кўрсаткич 12 мартағи ташкил қилди. Жамоани ўртача ўсиш кўрсаткичи 14 % кўрсатди.

11-12 ёшли футболчиларнинг маҳсус тайёрлов босқичида техник-тактик тайёргарлик кўрсаткичлари Мусобақа даврининг охирига келиб ўсиши (техник-тактик тайёргарлик кўрсаткичларининг ўртача осиши) 12,5 % ни ташкил қилди.

**Хуноса.** Чирчик шаҳаридаги спорт мактабнинг 11-12 ёшли футболчиларининг маҳсус тайёргарлик ва мусобақа даврида 2023 йил март, май ойларида бўлиб, машғулотлар ҳафтасига 3 марта 90 минутдан давом этди. Биз 11-12 ёшли футболчиларнинг техник-тактик тайёргарликларини назорат қилишда маҳсус тестлардан фойдаландик. 11-12 ёшли футболчиларнинг маҳсус тайёрлов босқичида (март) техник-тактик тайёргарлик кўрсаткичлари, мусобақа даврининг охирига келиб ўсиши 12,5 % ни ташкил қилди.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Акрамов Р.А. Футбол дарслик: Ўқув қўлланма.- Ўз.ДЖТИ. 2006.-406
2. Акрамов Р.А. Ёш футболчиларни танлаб олиш ва тайёrlаш: Ўқув қўлланма.-Т.1989.-87 б.
3. Нуриев Р.И. Ёш футболчиларни техник ва тактик тайёrlаш: Ўқув қўлланма.:2005.-108 б.
4. Саидахмедов А., Павлов Ш.К. Ёш футболчиларда жисмоний тайёр - гарлигини ошириш. // Ўз.ДЖТИ “Баркамол авлод” йилига бағишиланган талаба, магистрант ва аспирантларнинг илмий – услубий анжумани, 26 январ 2010 йил.- Т.:2010.-Б. 191-192.